104598

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 28 март шанба

Сотувда эркин нархда

№ 65 (1846)



## ОЛИЙ МАЖЛИСГА ТАШРИФ

27 март куни мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган уч қўшни мамлакат раҳбарлари — Нурсултон Назарбоев, Асқар Акаев ва Имомали Раҳмонов Президент Ислом Каримов ҳамроҳлигида Ўзбекистон Олий Мажлисининг янги биносига ташриф буюрдилар. Пойтахт кўркига кўрк қўшиб турган, ўзида замонавий ва анъанавий меъморчиликнинг кўплаб услубларини мужассам қилган, жозибадор нақшлар ва ўймакорлик санъатининг нафис намуналари ҳамда нозик безаклар билан ишланган ушбу бинони меҳмонлар катта қизиқиш билан томоша қилдилар. Олий мартабали меҳмонлар компьютерлаштирилган ва ҳар томонлама қулайликларга эга бўлган зал, у ерда кузатувчилар, журналистлар учун алоҳида ажратилган бўлинмалар, турли тоифадаги меҳмонларни қабул қилишга мўлжалланган махсус хоналарга эга мазкур бино жаҳон андозаларига тўла мос эканини айтдилар.

Меҳмонлар бу ерга ташриф давомида Олий Мажлис фаолияти, Ўзбекистонда қонунчилик соҳасида юз берган сўнгги янгиланишлар, парламентлараро алоқалар қай даражада ривож топаётгани ҳақида батафсил маълумот олдилар. Олий Мажлис Раиси Эркин Халилов Президентларга Олий Мажлиснинг эсдалик нишонларини топширди.

Шу куни олий мартабали меҳмонлар ўз юртларига жўнаб кетдилар. Пойтахт аэропортида меҳмонларни мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов кузатиб қолди.

**(ЎзА)**

**СУРАТДА: Олий Мажлиснинг янги биносига ташриф пайти. М. АМИН олган сурат.**

## ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИНИНГ МИНТАҚАВИЙ ИНТЕГРАЦИЯНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ

# БАЁНОТИ

Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси давлат раҳбарлари ўз халқларининг тарихий ва маданий муштараклигига асосланган, турли соҳаларда давлатлараро ҳамкорликнинг муҳим аҳамиятини эътироф этган ҳолда, умумий иқтисодий макон барпо этиш учун шароит яратиш истагида, Марказий Осиё халқлари тинчлиги, хавфсизлиги ҳамда ижтимоий-иқтисодий тараққиётини мустаҳкамлашни кўзлаб, 1998 йил 26 март куни Тошкент шаҳрида навбатдаги учрашувни ўтказдилар.

**Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси раҳбарлари:**

— Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги Шартномага Тожикистоннинг қўшилишини якдиллик билан қўллаб-қувватлайдилар;

— ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги Шартноманинг очиқлигини яна бир бор тасдиқлайдилар ва Туркманистоннинг ҳам бу Шартномада ўзига мақбул тарзда иштирок этишини қутлашларини алоҳида таъкидлайдилар.

**Давлатлар раҳбарлари:**

— босқичма-босқич эркин савдо зонаси — божхона иттифоқи — тўлов ва валюта иттифоқлари ва ниҳоят — товарлар, хизматлар ва сармояларнинг умумий бозори томон илгарилаган ҳолда, иқтисодий интеграция ва ўзаро алоқаларни изчиллик билан чуқурлаштиришларини;

— ҳозирги пайтда агросаноат мажмуида, сув-энергетика соҳасида, транспортда, ишлаб чиқариш кооперацияси ва тўлов — ҳисоб-китоб муносабатларида ҳамкорлик қилиш интеграциянинг устувор йўналишлари эканини;

— Марказий Осиё давлатларининг интеграциялашуви ҳар бир мамлакатнинг ўз манфаатларига асосланган ва шу манфаатлардан келиб чиқадиган табиий ва объектив жараён деб ҳисоблашларини алоҳида эътироф этадилар.

**Томонлар:**

иқтисодий интеграция жараёнларини чуқурлаштириш учун мақбул шарт-шароит яратиш мақсадида миллий қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларни бир-бирига мослаштириш ишларини фаоллаштиришга;

Марказий Осиё минтақаси иштирокчи давлатлари тараққиётининг умумий истиқболини кўзлаган ҳолда, яқин йиллардаги минтақавий иқтисодий ҳамкорлик стратегиясини ишлаб чиқишга;

ягона иқтисодий макон барпо этишнинг дастлабки ва муҳим босқичи сифатида минтақада эркин савдо зоналарини шакллантиришни бошлаб юборишга;

Шартнома иштирокчиси бўлган давлатлар халқ хўжалиги мажмуаларининг устувор тармоқларида тузилажак халқаро консорциумларнинг фаолияти ўзаро манфаатли, умумий, минтақалараро лойиҳаларни амалга оширишга қаратилиши лозимлигига;

умумий аграр бозорни вужудга келтириш мақсадида, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, қайта ишлаш тармоғини эса хомашё билан таъминлаш юзасидан аграр секторни ривожлантиришда ўзаро келишилган сиёсатни амалга оширишга;

ижтимоий, маданий, ҳуқуқий ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик ва ўзаро мустаҳкам алоқаларни фаол ривожлантиришга;

атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий офатлар ва фалокатлар оқибатларини тугатиш бўйича ўзаро келишилган саъй-ҳаракатларни режалар асосида амалга оширишга, Орол денгизи ҳавзаси ва Оролбўйида экология вазиятини яхшилаш чора-тадбирларини амалга оширишни давом эттиришга;

қабул қилинган қўшма қарорлар сўзсиз бажарилишини таъминлашга келишиб олдилар.

**Томонлар ҳукуматларига:**

Марказий Осиё минтақасини янада ривожлантиришнинг комплекс дастурини ишлаб чиқиш мақсадида Бош вазир ўринбосарлари даражасида комиссия тузиш;

божхона қонунчилигини бир-бирига яқинлаштириш, божхона тўловлари, эгри солиқлар миқдорини мослаштиришни таъминлаш, ўзаро савдо-сотиқда божхона назоратини амалга оширишнинг ягона тамойиллари тўғрисида ўзаро келишилган қарор қабул қилиш;

божхона ишларини қийинлаштирадиган, товарларнинг эркин ҳаракати ва мамлакатлар орқали олиб ўтилишига тўсқинлик қиладиган қарорлар қабул қилмаслик;

тўланмаган ўзаро қарзлар муаммоларини ҳал этиш учун тижорат банклари имкониятларини, корхоналарнинг векселлари ҳамда қарз мажбуриятларини ишга солиш;

ҳар бир мамлакатнинг манфаатлари, мавжуд ресурслари, ишлаб чиқариш имкониятлари ва истиқболларини, ўзаро меҳнат тақсимоти натижасида эришилган ютуқларни ҳисобга олган ҳолда, қўшма корхоналар ва ишлаб чиқариш кооперацияси тармоғини ривожлантириш;

Марказий Осиё энергетика тизимидаги ўзаро алоқаларнинг самарали йўлларини топиш, бунинг учун барча мавжуд имкониятлардан фойдаланиш;

транспортнинг барча турларида тариф сиёсатига ўзаро келишилган ёндашувларни ишлаб чиқиш, муҳим юкларни ташиш бўйича тариф йўлаклари барпо этиш, транспорт хизмати бозорида мамлакат юк ташувчилари улушини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

Шартнома иштирокчиси бўлган давлатлар ҳудудига келтириладиган товарлар сифатини назорат қилишнинг ягона тамойилларини ишлаб чиқиш, ички бозорда вақтинча ҳимояга муҳтож бўлган товарларнинг келишилган рўйхатини тузиш;

уюшган жиноятчиликка, террорчиликка, наркотик ва психотроп моддаларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши ва сотилишига қарши курашни кучайтириш борасидаги ҳаракатларни мувофиқлаштириш;

минтақавий ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб, ўзаро келишилган стратегияни амалга ошириш;

Марказий Осиё мамлакатлари фуқаролари ўртасида ўзаро мулоқотларни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш чораларини амалга оширишга кўмаклашиш топширилади.

Президентлар Марказий Осиё халқларининг туб манфаатларига мос келадиган абадий дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун мумкин бўлган барча чораларни кўришга қатъий аҳду паймон қилганликларини яна бир бор таъкидлайдилар.

Президентлар Марказий Осиё келгуси минг йилликда жаҳон цивилизациясида халқлар ва давлатлар ўртасида дўстлик ва қардошлик муносабатлари гуллаб-яшнаган, иқтисодий жиҳатдан ривожланган минтақа сифатида муносиб ўрин эгаллашига аминдирлар.

**Қозоғистон Республикаси Президенти Н. НАЗАРБОЕВ**

**Қирғизистон Республикаси Президенти А. АКАЕВ**

**Тожикистон Республикаси Президенти И. РАҲМОНОВ**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 1996 ЙИЛ 30 НОЯБРДАГИ "ХОРИЖИЙ САРМОЯЛАР ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ҚЎШИМЧА РАҒБАТЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ ВА ИМТИЁЗЛАР ТЎҒРИСИДА"ГИ ФАРМОНИГА ҚИСМАН ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Хорижий сармоялар иштирокидаги кичик ва ўрта корхоналарни рағбатлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 30 ноябрдаги "Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга бериладиган қўшимча рағбатлантириш омиллари ва имтиёзлар тўғрисида"ги Фармонининг 1-банди қуйидаги тарзда баён қилинсин:

"Белгилаб қўйилсинки, 1998 йилнинг 1 апрелидан бошлаб қуйидаги шартларга жавоб берадиган янгидан ташкил этиладиган корхоналар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ва унинг ҳудудий органларида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар жумласига киради:

корхонанинг низом жамғармаси 150 минг АҚШ долларига тенг суммадан кам бўлиши мумкин эмас;

корхона иштирокчиларидан бири албатта хорижий юридик шахс бўлиши шарт;

хорижий сармоялар улуши корхона низом жамғармасининг камида 30 фоизини ташкил этиши зарур.

Янги ташкил этилаётган корхоналар мазкур шартларга жавоб бермаган тақдирда хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар жумласига кирмайди ҳамда корхона жойлашган ҳудуддаги шаҳар ва туман ҳокимликларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим."

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафталик муддат ичида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонуний ва меъёрий ҳужжатларига мазкур Фармонга мувофиқ равишда тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар тайёрласин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1998 йил 27 март

## ЖУРНАЛИСТЛАР КЕНГАШИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида "Оммавий ахборот воситаларида демократик жараёнларни чуқурлаштириш, ҳаётга танқидий-таҳлилий қарашни кучайтириш" мавзуида семинар-кенгаш иш бошлади.**

Анжуманни Оммавий ахборат воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармасининг ҳамраиси Х. Дўстмуҳамедов очди.

Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев кириш сўзида сўнгги йилларда мамлакатимиз Президенти томонидан оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришга ва демократлаштиришга катта эътибор берилаётганини таъкидлади. 1990 йилда Ўзбекистонда 200 та газета нашр этилган бўлса, 1998 йилда уларнинг сони 700 тага етди. Матбуотни қўллаб-қувватлаш ва уларда сўз эркинлигини таъминлаш мақсадида махсус жамғарма ташкил этилди. Бундан ташқари, матбуотга, журналистик фаолиятга доир қонунлар қабул қилинди. Демак, журналистларимизнинг фаолияти қонун билан кафолатланди. Тўртинчи ҳокимиятнинг демократлашуви жамиятнинг демократлашувига, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини таъминлашга ёрдам беради.

Семинар-кенгашда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони Ахборот маркази раҳбари С. Ҳакимов "Оммавий ахборот воситаларида демократик жараёнларни чуқурлаштириш, танқидий-таҳлилий маданиятни шакллантиришнинг асосий тамойиллари", Олий Мажлис Ахборот ва матбуот қўмитаси раиси Ў. Ҳошимов ҳамда ҳуқуқшунослик фанлари доктори Ҳ. Одилқориев "Оммавий ахборот воситалари тараққиётининг ҳуқуқий кафолатлари. Ҳуқуқий-танқидий таҳлил" мавзуларида маъруза қилдилар.

Маърузалар юзасидан музокараларда "Жаҳон адабиёти" журналининг бош муҳаррири О.Шарафиддинов, "Ўзтелерадиокомпания" раиси А. Кўчимов, "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталарининг бош муҳаррири А. Усмонов, "Ўзбекистон овози" — "Голос Узбекистана" газеталари бош муҳаррири А. Суюн, Жиззах вилоят телерадиокомпанияси раиси Т. Мақсудов, "Тафаккур" журнали бош муҳаррири Э. Аъзамов ва бошқалар мамлакатимизда матбуотни демократлаштириш йўлида маълум ютуқларга эришилганлигини, бу жараённи янада чуқурлаштириш зарурлигини таъкидладилар. Бу борадаги фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Семинар-кенгашда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ў. Раҳматов, Президентнинг матбуот котиби А. Зиёев иштирок этди.

Анжуман бугун ўз ишини давом эттиради.

**(ЎзА)**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида Президент Ислом Каримовнинг "Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан республика Адлия идораларининг вазифалари мавзуида семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда Адлия вазирлигининг корхоналарга шартномалар билан боғлиқ тушунтириш ишларини жонлантириш, амалий ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва мунтазам назоратни амалга ошириш бўйича бириктирилган ходимлари, вилоятлар адлия бошқармалари раҳбарлари, шартномавий муносабатлар ижроси юзасидан тадбирларга жалб этилган ҳуқуқшунос ва мутахассислар иштирок этди.

Анжуманда бу борада бирмунча ишлар амалга оширилаётгани таъкидланиб, шу билан бирга хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида шартнома интизомига риоя этишда масъулиятсизлик, мажбуриятларни бажаришда лоқайдлик, салбий оқибатларни бартараф этишда ҳуқуқий саводсизлик қилинаётган ҳолатлар мавжудлиги айтиб ўтилди. Шартнома интизоми қўпол равишда бузилиши ҳолларига айрим жойларда ҳали чек қўйилмаганлиги, бунда масъулиятсизлик қилаётган хўжалик раҳбарларига қонуний чоралар кўрилмаётганлиги қайд этилди.

Семинар-кенгашда хўжалик юритувчи субъектлар мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтириш, шартномаларнинг ўз вақтида тузилиши ва уларда белгиланган мажбуриятларнинг ижросини таъминлаш учун жойларга бириктирилган адлия ходимларига аниқ топшириқ ва кўрсатмалар берилди.

Кўрсатиб ўтилдики, 230 корхонага бириктирилган Адлия вазирлигининг 122 ходими ва жойлардаги адлия бошқармалари вакиллари биринчи галда 1997 йилда мазкур субъектларда шартномавий муносабатлар ва улар ижроси юзасидан аҳволни чуқур ўрганишлари, текширишлар якуни бўйича йўл қўйилган нуқсонлар, масъулиятсизликлар сабабларини аниқлашлари, зарарларни ундириш ва айбдорларга нисбатан қонуний чоралар кўрилишини таъминлашлари лозим. Ҳуқуқий ёрдам кўрсатишлари, тушунтириш ва тарғибот ишларини амалга оширишлари, масъулиятсизлик ва лоқайдлик ҳолатларига барҳам беришлари, жавобгарликни ҳис этмаган мансабдор шахсларга нисбатан кескин жазо чоралари кўрилишини мунтазам таъминлашлари даркор эканлиги уқтирилди.

Адлия ходимлари жойлардаги ваколатли идоралар, хусусан ҳокимликлар, прокуратура, суд, хўжалик судлари, милиция, банк, молия ва солиқ идоралари билан мунтазам алоқада бўлиши ва ўз фаолиятларини ҳамкорликда амалга ошириши лозимлиги кўрсатиб ўтилди. Шу билан бирга адлия ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасининг истеъфодаги фахрийлари, суд ва адвокатуранинг тажрибали собиқ ходимлари, ҳуқуқ маслаҳатчилари тўлов асосида мазкур вазифани бажаришга жалб этилиши зарурлигига эътибор қаратилди.

Семинар-кенгашни республика адлия вазири Сирожиддин Мирсафоев олиб борди.

**(ЎзА)**

## ФИТРАТ ҲАЙКАЛИ ОЧИЛДИ

Бундан бир ярим йил муқаддам бутун мамлакатимизда маърифатпарвар адиб, Туркистонда миллий истиқлол ҳаракатининг раҳнамоларидан бири Абдурауф Фитрат таваллудининг 110 йиллиги нишонланган эди. Юбилей муносабати билан Бухоро шаҳрида унинг номи билан аталувчи хиёбон ташкил этилганди. Юртимизда Наврўз насими кезаётган шу кунларда мазкур хиёбонда Фитрат ҳайкали очилди.

Ҳайкал очилишига бағишланган маросимда вилоят ҳокими С. Ҳусенов сўзга чиқди.

**И. САФАР, ЎзА мухбири.**

ҲУҚУҚШУНОСЛАР ЙИҒИНИ

## КАСБИЙ МУОМАЛА ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

Ички ишлар вазирлиги Академиясида Халқаро Қизил Хоч қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ билан биргаликда ички ишлар органлари ходимларининг касбий муомаласи назарияси ва амалиётига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Мулоқот, муомала, фикрни аниқ ва тўғри баён этиш — ички ишлар органлари ходимлари ҳуқуқий маданиятининг муҳим жиҳатларидан биридир. Ҳар хил тоифадаги фуқаролар билан турли шароитларда муомала қилиш кўникмаларини ривожлантириш, ички ишлар органлари учун кадрларни тайёрлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Давра суҳбатини Ички ишлар вазирлиги Академиясининг бошлиғи, юридик фанлари доктори, профессор У. Тожихонов кириш сўзи билан бошлаб берди. Халқаро Қизил Хоч қўмитаси делегацияси бошлиғи Б. Швайцер, Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ директори, юридик фанлари доктори, профессор А. Саидов, профессор Р. Гайнутдинов бу йиғиннинг катта амалий аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар. Шунингдек, давра суҳбатида мамлакатимизнинг олий ўқув юртлари етук мутахассис олимлари ҳам қатнашдилар. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг биринчи ўринбосари Ғ. Абдуллаев муҳокама қилинаётган муаммолар ичида шариат ва ҳуқуқий маданиятнинг алоҳида ўрни борлигини таъкидлади.

Суҳбат давомида ички ишлар органлари ходимларининг фуқаролар билан муомала қилишда инсон ҳуқуқларига риоя қилиш, касбий муомаланинг принциплари ва қоидалари ҳамда аҳоли билан ўзаро мулоқот қилишда муомаланинг роли, аҳолига таъсир этишнинг қонунийлиги, унинг мезонлари, зиддиятли ҳолатлар ва уни ечиш усуллари, ички ишлар органлари ходимларини коммуникатив жиҳатдан тайёрлаш юзасидан тавсиялар берилди.

**Мурод АЛИМ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## ПАРЛАМЕНТ АЛОҚАЛАРИ

# ҲАМКОРЛИК САРИ ҚАДАМ

**Аввал хабар қилинганидек, яқинда парламентимиз делегацияси Ўзбекистон Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов раҳбарлигида Европарламент ва Бельгия парламенти таклифи билан Брюссел шаҳрида бўлиб қайтдилар. Мухбиримиз делегация аъзоси, Олий Мажлис Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Эркин Воҳидов билан ана шу ҳақда суҳбатлашди.**

**— Эркин ака, дастлаб ушбу сафардан кутилган асосий мақсад ҳақида сўзлаб берсангиз?**

— Маълумки, Европанинг ўн бешта мамлакатини ўз ичига олган Европа Иттифоқи деб аталган бирлик бугунда дунёнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий иқлимини белгилаб турган қудратли омиллардан бири ҳисобланади. Ана шу Иттифоқ билан мамлакатимиз ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш мақсадида Президентимиз Ислом Каримовнинг Италияга сафари чоғида (1996 йил июнь) Флоренция шаҳрида Ўзбекистон ҳамда Европа Иттифоқига кирган мамлакатлар ўртасида Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Битим имзоланганди. Бу кенг миқёсдаги Битим сиёсий-иқтисодий, маданий муносабатларнинг барча йўналишларини белгилайди ва мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамияти билан янада узвийроқ боғланишига хизмат қилади. Битим кучга кириши учун Европа Иттифоқининг ўн беш мамлакат парламентлари ҳамда Европарламент томонидан ратификация қилиниши лозим бўлади. Бу эса осон ва тезда бўладиган жараён эмас. Айни пайтда Битимни Иттифоқнинг етти мамлакат парламентлари ратификация қилди. Европа мамлакатларида Ўзбекистонга нисбатан қизиқишнинг тобора ортиб бораётгани, мамлакатимизнинг жаҳонда обрў-эътиборининг ўсаётганлиги Европа Иттифоқининг қонун чиқарувчи органи бўлмиш Европарламентнинг Ўзбекистон Олий Мажлиси билан борган сари чуқурлашаётган алоқаларида ҳам намоён бўлаётир.

Европарламентнинг мамлакатимиз парламенти аъзоларини таклиф қилишида ҳам ўзига хос рамзий маъно бор. Биз сафар давомида Европарламент ҳамда Бельгия парламенти аъзолари билан бир неча бор учрашувлар, суҳбат ва музокаралар ўтказдик. Делегациямизни Бельгия сенати раиси Ф. Свален кутиб олди. Ўзаро суҳбатдан кейин Бельгия парламентини бориб кўрдик. Бельгиянинг қадимги шаҳри Брюгени ҳам зиёрат қилдик. Бизга Брюсселда агар неча кун турган бўлсак, Европарламентнинг Марказий Осиё ва Мўғулистон парламентлари билан алоқалар комиссияси гуруҳи раҳбари Ф. Комисон Ассенсио рафиқаси билан ҳамроҳлик қилди.

**— Агар адашмасам, Ф. Комисон Ассенсио раҳбарлигидаги гуруҳ аъзолари мамлакатимизга икки марта ташриф буюрган эдилар. Бу галгисини учинчиси, деб атасак бўларкан-да?**

— Ҳа, ушбу учрашув музокараларимизнинг учинчи раунди бўлди. Мен ҳар уччала учрашув ва музокараларнинг иштирокчиси ўлароқ, шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, учрашганимиз ва вақт ўтгани сайин ўзаро ишонч ва ҳамкорлик сари янгидан-янги қадамлар қўйилмоқда. Алоқаларимиз ўрганиш, яъни ибтидоий босқичдан тушуниш ва бир-бирини англаш томон юз бурмоқда. Шуни очиқ-ойдин айтиш керакки, жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш ҳам оғриқли, ҳам мураккаб жараёндир. Европа Иттифоқининг органи бўлган Европарламентнинг ўзига хос қонун-қоида, тартиб, шарт ва йўл-йўриқлари бор.

Европа мамлакатлари ҳам ҳозирги аҳволга бирданига ёки қисқа муддатларда эришганлари йўқ. У аксинча узоқ йиллик узлуксиз тарихий жараённинг ҳосиласи ва мевасидир. Ўзбекистоннинг ҳам улар даражасига эришмоғи учун табиийки маълум бир давр ва имконият керак бўлади.

Ўзаро суҳбат ва музокаралар жараёнида каминанинг англашича, европаликлар энг муҳими мамлакатимиз танлаган йўл тўғри эканлигига, энди бу йўлдан ҳеч қачон орқага қайтмаслигимизга, барча соҳаларда Европа ўлчовлари улар даражасига эришиш учун интилишимизга ҳамда бу мақсадлар учун ўзбекистонликлар бор куч-қувватларини аямасликларига қаттиқ ишонадилар. Шу боис хоҳ Бельгия сенатида, хоҳ Европарламентда бўлмайлик, уларнинг аъзолари билан учрашмайлик ҳаммасида мамлакатимизга нисбатан ишонч ва хайрихоҳлик туйғусини ҳис қилдик. Бу ҳам табиий, ҳам қувонарли ҳолдир.

**— Сиз ҳам парламент аъзоси, ҳам шоир сифатида қайси бир учрашувни алоҳида мамнуният билан таъкидлашни истар эдингиз?**

—Мен учрашув, суҳбат ва музокараларнинг ҳеч бирини камситмаган ҳолда Европарламентнинг хорижий мамлакатлар парламентлари билан алоқа қилиш комиссияси раисининг ўринбосари Х. Коррере Д Онкос билан бўлган учрашувимизни мамнуният билан эслашни истардим. Энг қизиғи у киши докторлик илмий ишини жадидизм тарихи мавзусида ёқлаган эканлар. Шунданми музокаралар чоғида Каррере Д Онкос Ўзбекистон тарихи ва менталитетини яхши билган олим сифатида демократия ва инсон ҳуқуқлари соҳасида мамлакатимизда олиб борилаётган ишларга ўзининг холис баҳосини бериб турди. Бу баъзи кишиларнинг мамлакатимизга нисбатан қарор топган фикр ва муносабатларини ўзгартириш ва янгилашларига сабаб бўлди, деб айтиш мумкин.

**— Европа Иттифоқи, Европарламент каби халқаро ташкилотларга аъзо бўлишда одатда ушбу жараённи кузатувчи ва ана шу асосда ўзининг хулосаларини берадиган махсус докладчи сайланади. Агар сир бўлмаса...**

— Унинг ҳеч қандай сир тутиладиган жойи йўқ. Докладчи А. Анре Леонар хоним. Делегациямиз аъзолари бу хоним билан ҳам учрашиб ошкора ва юзма-юз мулоқот ўтказди. Леонар хоним айрим эътирозлари борлигини ҳам яшириб ўтирмади. Биз ҳам ўз навбатида Леонар хонимга мамлакатимизда, айниқса сўнгги йилларда амалга оширилган ва улар бераётган натижалар хусусида гапириб бердик. Масалан, ўтган йилнинг ўзида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ҳақида қонун қабул қилинди, республика инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Миллий маркази ҳамда Қонун ҳужжатларининг Амалдаги мониторинги институти жорий этилди. Х. Каррере Д. Онкос ва Комисон Ассенсио музокараларда бизни тўлиқ қўллаб қувватладилар.

**— Таъсис дастури...**

— Дарвоқе, ушбу дастур бўйича ҳам катта учрашув бўлди. Дастурнинг асосий моҳияти ва вазифалари ҳақида фикр алмашилди.

**— Маълумки, 1996 йил ноябрь ойида Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон ўртасида оралиқ битим тузилганди .**

— Сафаримизда ана шу масала ҳам назарда тутилган эди. Мазкур масала бўйича докладчи Я. Виерсман билан учрашдик. Уни қизиқтирган саволларга жавоб бердик. Бундан ташқари Европарламентнинг Ташқи иқтисодий алоқалар бўйича комиссия раиси Л. Костиллина ҳамда Европарламентнинг тадқиқотлар, технология тараққиёти ва энергетика қўмитаси раиси Г. Адам билан ҳам учрашдик. Сафаримизнинг охирги куни Европарламент раиси жаноб Х. Джил Роблеснинг қабулида бўлдик. Биргаликда яна бир бор ратификацияга боғлиқ масалаларни муҳокама қилдик. Ва ана шу жараёнда навбатдаги учрашувнинг манзили ва муддатларини ҳам келишиб олдик.

**Исмат ХУДОЁРОВ ёзиб олди.**

## МОЛИЯ ТИЗИМИ

## «ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»:

# ЮҚОРИ РЕЙТИНГ, ДЕМАК ИШОНЧЛИ

**Кеча Ўзбекистон акциядорлик-тижорат саноат-қурилиш банки акционерларининг умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Унда банкнинг ўтган йилги фаолияти якунлари ва 1998 йилдаги асосий вазифалари муҳокама қилинди.**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар барча мулкчилик шаклларининг барқарор ривожланишини таъминлаш учун мустаҳкам база яратилишини талаб этди. Бунинг учун, аввало, кучли молиявий тизимни вужудга келтириш зарур эди. Чунки бусиз иқтисодиётни тубдан қайта қуриш хомхаёл бўларди. Бугун комил ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон банк-молия тизими иқтисодиётнинг барқарор ва тез ривожланаётган соҳаларидан бири ҳисобланади.

Бу тизимда эса Ўзбекистон акциядорлик-тижорат саноат-қурилиш банки («Ўзсаноатқурилишбанк») етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Унинг фаолият доираси мустақиллик йилларида республикада қурилган ва барпо этилаётган барча муҳим объектларни қамраб олган.

Ўтган даврда республика иқтисодиётида сифат жиҳатидан туб ўзгаришлар юз берди. Янги соҳа — автомобилсозлик пайдо бўлди. Нефть-газ саноати ривожланиб, мамлакатимизнинг энергетика мустақиллигини таъминлаш сари муҳим қадам ташланди. Давлат томонидан доимий равишда қўллаб-қувватланаётгани туфайли кимё саноати, қишлоқ хўжалик машинасозлиги ва самолётсозлик тармоқлари ҳам янада ривожланмоқда.

Қисқа муддат мобайнида қурилган ана шу муҳим ва мураккаб объектларни кўриб, кўпгина хорижлик меҳмонлар ҳайратга тушмоқдалар, уларнинг бунёдкорлари ишига таҳсинлар ўқимоқдалар.

Албатта, мустаҳкам молиявий маблағсиз Асака автомобиль заводи, Кўкдумалоқ компрессор станцияси, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Янгийўл биокимё заводи ва бир қатор тўқимачилик комбинатларини тиклаш мумкин эмас эди. Бу мўъжизавий ишлаб чиқариш корхоналари энг замонавий технологиялар билан жиҳозланган бўлиб, бариси ёш мустақил давлатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлаш ишига салмоқли ҳисса қўшмоқда, унинг экспорт салоҳиятини оширмоқда.

Бугунги кунда ҳам келгусида республика иқтисодиёти тараққиётида ўзига хос ўрин тутадиган кўплаб иншоотлар қурилмоқда. Хўжаобод еросτи газ омбори, Шўртан газ-кимё мажмуи, Қўнғирот сода заводи ва бошқалар шулар сирасига киради.

Юқорида тилга олинган барча объектлар қурилиши бевосита «Ўзсаноатқурилишбанк»-фаолияти билан боғлиқ. Негаки, бу объектларни маблағ билан таъминлашдек фахрли ва масъулиятли вазифа унинг зиммасига юкланган. Тан олиш керак, банк ана шу вазифани қойилмақом этиб бажариб келмоқда.

Маълумки, республикада уй-жой қурилишини янада ривожлантириш мақсадида Президентнинг Фармонига мувофиқ «Ўзуйжойжамғармабанк»ташкил этилди. Ушбу ҳужжатга биноан, «Ўзсаноатқурилишбанк» нинг 19 филиали (акриви 2 миллиард сўмдан зиёд, Низом сармояси эса 169 млн. сўм) унинг ихтиёрига ўтказилди. Бу ўз навбатида «Ўзсаноатқурилишбанк» раҳбарияти томонидан мақбул қарорлар қабул қилиш, банкнинг барқарор ишлашини таъминлаш учун қўшимча чора-тадбирлар кўришни тақозо қилди. Нега деганда, мижозлар билан ўрнатилган кўп йиллик шерикчилик муносабатларини сақлаб қолиш, ҳиссадорларнинг қизиқишларини сусайтирмаслик лозим эди.

Шу мақсадда ўтган йилнинг иккинчи ярмидаёқ Бухоро, Урганч, Қарши, Гулистон, Чирчиқ, Нукус ва Каттақўрғон шаҳарларида банкнинг 7 та филиали очилди. Шу йилнинг январь ойидан бошлаб эса Қибрайда ҳам унинг филиали иш бошлади.

Ҳозирги кунда банк тизимида жами 47 та филиал, 166 та жамғарма кассаси фаолият кўрсатмоқда. 1997 йилнинг иккинчи ярмида мижозлар – ҳуқуқий шахслар сони 2300 тага кўпайиб, 22 мингтага етди. Булар мулкчиликнинг турли шаклларида ишлаётган корхона ва ташкилотлардир.

Ҳисобот даврида мижозлар билан аниқ ҳисоб-китоб юритиш, кредит хизмати кўрсатиш маданиятини ошириш борасида ҳам бир-талай тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, банк моддий базаси янгиланиб, сезиларли даражада мустаҳкамланди. Ҳозир унинг филиаллари энг замонавий компьютер техникаси билан жиҳозланганки, шу жиҳатдан олганда, ҳатто хорижий банклардан асло қолишмайди. Айниқса, электрон тўлов тизими жорий этилганлиги ҳисоб-китоб операцияларини бир неча дақиқада рўёбга чиқариш имконини бермоқда. Умуман, «Ўзсаноатқурилишбанк» мижозларга хизмат кўрсатиш маданиятини оширишга биринчи даражали аҳамият бермоқда. Бу ерда «Банк– мижозлар учун» деган қоида устувор. Шу боис унинг рейтинг даражаси ошиб, мижозларнинг унга бўлган ишончи тобора мустаҳкамланмоқда.

Ана шу тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида 1997 йилда белгиланган асосий иқтисодий кўрсаткичларга эришилди. Актив 40,2 миллиард сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич 1996 йилга таққосланганда 19 фоиз кўпдир. Унинг мулкий сармояси эса 4,2 млрд. сўмга етди.

Мана, икки йилдирки, банк фаолияти дунёда машҳур «KPM G» мустақил фирмаси томонидан аудиторлик текширувидан ўтказилмоқда. Шунинг ўзиёқ унинг ҳисоб-китоб бўйича аҳволи жаҳон стандартларига жавоб бераётганидан далолат беради.

Республика раҳбарияти кичик корхоналар ташкил этиш, хусусий тадбиркорликни ривожлантришга катта аҳамият бераётганлиги ҳаммага маълум. «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг ютуғи шундаки, у мамлакатимизда қурилган ва барпо этилаётган, бугунги кунда республикамиздан ташқарида ҳам маълум ва машҳур бўлган йирик объектларни маблағ билан таъминлаш билан бирга, кичик ва ўрта тадбиркорликка ҳам катта миқдорда кредитлар ажратмоқда.

«Ўзсаноатқурилишбанк», шунингдек, ўзининг кўп йиллик тажрибасига суяниб, капитал қўйилмалар орқали молиялаш бўйича ҳам мижозларга беминнат хизмат кўрсатиб келаётир. Кўпгина қурилиш бўлинмалари ва бошқа банкларнинг мижозлари ҳам бу хизмат туридан баҳраманд бўлаяпти.

Бугунги кунда, худди аввал бўлганидек, мижозлар маблағларининг банк молиявий ресурслари структурасидаги ҳиссаси сезиларли даражада бўлиб, бу кўрсаткич 28 фоизни ташкил этади.

Бу ресурслар базасини кўпайтиришнинг бошқа бир манбаси аҳоли пул маблағларини жалб этишдан иборат.Банк қўйилган омонатлар мустаҳкам сақланиши, мижоз истаган пайтда уни ола билиш каби хизмат турлари билан одамлар эътиборини қозонди.

Омонат кассалари замонавий ҳисоблаш техникалари билан тўлиқ жиҳозланган. Аҳолидан коммунал хизматлар учун пул қабул қилиб олиш, мижозларга тегишли харидлари учун пул ўтказиш имкониятлари ҳам юзага келтирилган. Шу ва шу каби қатор хизматлар эвазига «Ўзсаноатқурилишбанк»и мижозлар омонатлари бўйича республикада иккинчи ўринни мустаҳкам эгаллаб келаяпти. Чет эл банклари билан ўрнатилган мустаҳкам алоқалар «Ўзсаноатқурилишбанк» фаолиятининг энг муҳим қирраларидан биридир. Айни пайтда 60 та йирик хорижий банклар билан корреспондентлик алоқалари ўрнатилган. Мустақиллик йилларида банк ташқи савдо операцияларида хизмат кўрсатиш борасида ҳам бой тажриба тўплади. Энг замонавий техника воситалари билан жиҳозланганлиги мижозларга ҳар томонлама банк хизматлари кўрсатиш имкониятларини юзага келтирган. Экспорт-импорт аккредитлари ва инкасса депозитларга маблағ жойлаштириш халқаро генлар ва банк переводларга хизмат кўрсатиш шулар жумласидандир. 1996 йилга нисбатан банкнинг хорижий валюталар бўйича операциялари 19 фоизга ошганлиги юқорида таъкидланган фикрларнинг яққол исботидир. Уларнинг бари Ўзбекистоннинг халқаро обрў-эътиборига хизмат қилиши табиий.

Бугун банк акциядорларининг умумий йиғилишида ўтган йил фаолиятига баҳо берилиб, келгуси йил режалари белгиланди. Келажак тараққиёти йўлида қилинажак ишлар хусусида фикр алмашилади. Тараққиётга эришиш учун эса эришилган муваффақиятлар билан қаноатланиб қолмасдан, ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ечимини ҳам олдиндан кўра билиш лозим. Банк ўз фаолиятида жуда катта ижобий силжишларга эришаётгани шубҳасиз. Лекин шу билан бирга ўзига яраша муаммолар ҳам йўқ эмас ва уларнинг айримлари 1998 йилда ўз ечимини топмоғи керак. Улар талайгина. Масалан, Тошкент шаҳри ва бошқа ҳудудларда янги филиаллар ташкил этиш давом эттирилади. Банк кенгаши қарорига кўра, Қашқадарё вилоятида Шўртан филиали очилиши лозим. Сабаби аён. Кейинги йилларда Шўртан мамлакатимизнинг йирик саноат марказларидан бирига айланди. Айни жорий йилда банк миллий ҳамда хорижий валюталар учун пластик карточкаларини жорий этишни режалаштирган. Бу хизмат тури ҳам мижозларга катта қулайлик туғдириши ўз-ўзидан маълум.

Шунингдек, қимматли қоғозлар иккинчи савдоси ва аукционларда фаол иштирок этиш, қимматли қоғозлар фонд бозоридаги иштирокини ҳар томонлама кенгайтиришга ҳаракат қилади.

Юқорида қайд этилганларни амалга оширишда биринчи навбатда кредитлар портфелини мустаҳкамлаш, баъзи молиявий йўқотишлар ўрнини тўлғазадиган резервлар ташкил этишга алоҳида эътибор берилади. Халқаро «Reitez», «Diling» системалари орқали операциялар миқдорини кўпайтириш, шунингдек, «Swift» системасига уланиш банк фаолиятини янада кенгайтириши шубҳасиз. Таъкидланган қатор тадбирларнинг муваффақиятли амалга оширилиши «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг республикамиз молия муассасалари орасида энг ишончли ва мунтазам ривожланиб бораётган банклардан бири сифатидаги обрў-эътиборини янада оширади.

**Л. СПИРИДОНОВ.**

# ЙЎЛИНГИЗ БЕХАТАР БЎЛСИН

**Мамлакат миқёсида ўтказилаётган Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги Сурхондарё вилоятида ҳам яхши натижа бермоқда.**

Давлат автомобиль назорати ходимлари маҳаллий ҳокимият органлари, жамоатчилик вакиллари билан биргаликда хўжаликлар, автокорхоналар, темир йўл тизими, ҳайдовчилар ўртасида текшириш, тушунтириш ишлари олиб бориши натижасида кўпгина йўл-транспорт қоидалари бузилиши бартараф этилди. Мактабларда "Яшил чироқ" тадбирлари ўтказилаётгани, серқатнов йўллар бўйида жойлашган мактабларда 400 га яқин навбатчи гуруҳлар ташкил этилгани ҳам яхши самара бермоқда.

Афсуски, бу хайрли тадбир ҳамма жойда ҳам кўнгилдагидек амалга оширилмоқда, деб бўлмайди. Масалан, Термиз шаҳрида ДАН ходимлари фақат автомобиллар ҳаракатини назорат қилиш билан банд. Пиёдаларнинг серқатнов кўчаларнинг дуч келган жойидан кесиб ўтишлари билан зарра‌ча иши йўқ. Ваҳоланки, пиёдалар айби билан ҳам анчагина йўл-транспорт ҳодисалари содир этилаётгани маълум.

Афтидан, Ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ойлигини ўтказишдан кузатилган асосий мақсад йўл бехатарлигига эришиш, бахтсиз ҳодисалар олдини олиш эканлигини улар яхши англамаган кўринади.

**Ч.ТЎХТАЕВ, ЎзА мухбири.**



*Ўзбекистон Фанлар академияси «Кибернетика» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Кибернетика институтида кўплаб тажрибали, фидойи илм аҳиллари фаолият кўрсатишади. Техника фанлари доктори, профессор Мирхалил Исмоилов ана шундай олимлардан бири. У киши мамлакатимизда Кибернетика фанини ривожлантириш ва бу борада қўлга киритилган ютуқларни амалиётга жорий этиш ишига муносиб ҳисса қўшиб келаяпти. Ўз навбатида, ёшларга ҳам ушбу фан сир-асрорларини ўргатади.*

***СУРАТДА: Мирхалил Исмоилов Мирзо Улуғбек туманидаги 2-лицей ўқувчиси Сергей Умрзоқов билан компьютерда амалий машғулот ўтказмоқда.***

**Т. КАРИМОВ олган сурат.**

## ҲОКИМЛИКЛАР «ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

### УЗР СЎРАЛДИ

«Уйдаги телефонимиз ишламай қолди. Хизмат ҳақини доим олдиндан тўлаб қўяман. Сабаб некин деб телефон тармоқлари корхонасига бордим. У ердагилар 88 сўм 70 тийин қарзингиз бор, дейишди. Дарҳол тўладим. Улаб қўямиз, хотиржам бўлинг, дейишди. 5 кун кутдим. Ўзгариш бўлмади. Яна бордим. Қай қулоғим билан эшитайки, яна 88 сўм 70 тийин қарзингиз бор, дейишди. Уни тўлаганман, мана ҳужжати, дейман, қани энди, бирор киши тушунса, эшитса гапларимни...»

Юқоридаги сатрларни Фарғона вилояти Қўқон шаҳрида истиқомат қилувчи II-гуруҳ ногирони, меҳнат фахрийси Қодиржон ота Эшматов битган. У «Халқ сўзи» газетасига мурожаат этиб, ёрдам беришни сўраганди.

Таҳририят яқинда Қўқон шаҳар ҳокими жаноб Х. Мавлонқуловдан мазкур масала юзасидан жавоб мактуби олди. «Қўқон шаҳар ҳокимлиги, — дейилади унда, — шикоят хатини кўриб чиқди. Ўтказилган текширишда қуйидагилар аниқланди:

Фуқаро Қ.Эшматов абонентлар бўлими кассасига шаҳарлараро сўзлашгани учун 88 сўм 70 тийин тўлаган, лекин компьютер бўлими ходими томонидан шу кунги маълумотлар ўз вақтида компьютерга киритилмаган. Оқибатда абонентлар бўлимининг оператор ходимларига маълумот берилмаган. Шу сабабдан Қ. Эшматовга яна бир бор 88 сўм 70 тийинли тўлов қоғози юборилган. Лекин фуқаро Қ. Эшматовнинг телефони абонент тўловига қарзи борлиги учун эмас, балки носоз бўлганлиги сабабли ишламаган. Лекин абонент бу тўғрида носозликларни таъмирлаш хизмати ходимларига хабар қилмаган. Кейинчалик бу носозлик аниқлангач, телефон дарҳол таъмирлаб берилган.

Шаҳар электр алоқа тармоғи маъмурияти юқорида кўрсатиб ўтилган камчиликка йўл қўйган компьютер бўлими ходимига нисбатан интизомий чора кўрганлигини ва бундай ҳолларнинг такрорланмаслигини таъминлаш билан боғлиқ масала муҳокама этилганини маълум қилади.

Компьютер бўлими ходимининг иш жараёнида йўл қўйган камчилиги учун электр алоқа тармоғи маъмурияти фуқаро Қ. Эшматовдан узр сўрайди.



### КАМЧИЛИКЛАР ТУЗАТИЛДИ

«Уйимиз ертўласи ёзин-қишин сувга тўла, — деб ёзади ўз шикоятида Тошкент шаҳри, Юнусобод туманининг 13-мавзесида яшовчи фуқаро А. Ҳакимхўжаев. — Сабаби қувурлар занглаб, тешилиб кетган. Уйимизда эса баъзан иссиқ сув у ёқда турсин, совуқ сув ҳам бўлмай қолади. 67-уй, 74 хонадонни келиб бир кўрсангизлар, қолган гаплар ҳам аён бўларди».

Юнусобод туман ҳокимлиги томонидан тузилган комиссия мазкур хонадон ва унга қўшни уйларни ҳам бориб кўрди. Аризада кўрсатилган камчиликлар текширишда тасдиқланди. «Ҳозирги кунда ертўлада сув йўқ, — деб таъкидлайди туман ҳокими муовини Т. Раззоқов таҳририятга йўллаган мактубида. — Ертўладаги оқава сув қувурлари таъмирланди. Хонадонларда иссиқлик қувурлари яхши ишламоқда. Шунингдек, хонадонларнинг иссиқ ва совуқ сув таъминоти йўлга қўйилди».

# АЁЛ ТАДБИРКОР БЎЛСА...

**Бугунги замона зайли билан тадбиркорликка қўл урган аёллар орасида хусусий фирма очиб иш юритаётганлари ҳам талайгина. Ана шулардан бири Шукуржон Худойбергановадир. У Хоразм вилоятининг Қўшкўпир туманида яшайди. Ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланишга ҳаракат қилади. Сабаби деҳқонларга алоқадор бўлган «бир кун кеч эксанг, қирқ кун кеч ўрасан» мақолини тадбиркорларга ҳам тааллуқли деб билади. Вақтни зое кетказиш одамзотга қувонч келтирмайди, дейди ҳамиша. Асосий ишидан ортиб бадиий асарлар ўқишга ҳам вақт топади. Шеъриятни ғоятда қадрлайди. Ўзининг айтишича «Лазги»га хиром этганда бор чарчоқлари тарқаб, маза қилиб дам олармиш.**

**— Шукуржон, қадим-қадимдан эркаклар иши деб ҳисобланган савдо-сотиқ, хусусан фирмани бошқариш аёл киши учун оғирлик қилмайдими?**

— Раҳматлик отам савдо ходими эди. Дарсдан бўш пайтларимда пештахтанинг чангини артиш, озиқ-овқат маҳсулотларини тартиб билан жойлаштиришдек енгил юмушларни бажариб, отамга ёрдамлашардим. Сўнг Тошкент халқ хўжалиги институтини туғаллаб, туманимизнинг матлубот жамиятида 25 йил ишладим.

Мустақиллик йилларида ҳаётимизга бирин-кетин янгича иш услублари кириб кела бошлади. Бундоқ қарасам, кўпгина корхона ва фабрикалар хусусийлаштирилиб, фирмалар пайдо бўлди. Давлатга ҳам, одамларга ҳам қулай. Даромад ҳам чакки эмас. Буларни кўргач «мен ҳам фирма очсам-чи, йиғиб қўйган 3-4 сўмим бор-ку,» дея ўйлаб қолдим.

1995 йили «Отаназар» фирмасини ишга туширдим. Биз оилада 4 қиз ва бир ўғил эдик. Тақдир экан, ўша биргина ўғил-укам Отаназар дунёдан ёш кетди. Фирмага унинг номини қўйганман. Икки қаватли бино ҳали тўла қуриб битказилмаган эсада, қатор кичик корхоналар ишлаб турибди. Уларда республикамизда ишлаб чиқариладиган халқ истеъмол моллари сотилади. Тошкент, Бухоро, Қўқон, Намангандаги тўқимачилик ва ип-йигирув фабрикалари билан шартнома тузганман.

Энди юқоридаги саволингизга жавобим шуки, инсон ўзи қизиққан касбдан ҳеч қачон озорланмайди, аксинча изланиб, янги-янги имкониятлар топиб ишлайди.

**— Банкротликка учраб қолсам, нима бўлади, деган хаёл сизни ҳеч безовта қиладими-йўқми?**

— Юрган йўлимда иш фаолиятимда банкротликка қарши чора-тадбирлар қўллайман. Энг биринчи навбатда ишчилар учун зарур шарт-шароитлар яратишга ҳаракат қиламан. Шунда улар ихлосу қунт билан меҳнат қилишади ва ишлаб чиқарилган маҳсулотлар харидоргир бўлади. Иккинчидан эса Хазорасп туманидаги «Жаҳон бозори»ни бошдан-оёқ кезиб, харидорларнинг талаб ва эҳтиёжларини ўрганаман. Ишлаш усули ва тартибини унга мослаштираман. Дейлик, менинг корхонамда фақат чойшаб ва ёстиқ жилдлари тикиляпти-ю, одамлар бозорда ўғил-қизи учун қишки қалин ва иссиқ кўйлаклар излаб юришибди. Зудликда шартнома тузилган тўқимачилик корхоналаридан қалин материал келтириб, конвейер усулида тикиш ишларини бошлаб юборамиз. Бу ишларда бизга республика, вилоят ва туман хотин-қизлар қўмиталари, шунингдек, вилоят, туман ҳокимлари яқиндан ёрдам беришмоқда.

**— Сизнингча аёлнинг ишлагани афзалми ёки уйда ўтиргани ми?**

— Албатта ишлаганида. Уйда ўтирган аёлнинг фикрлаш ва мулоҳаза доираси чекланиб қоладигандай туюлади, менга. Улар майда-чуйда ишлар билан кўпроқ ўралашиб қоладилар. Бу масаланинг бир томони. Иккинчи томони шундаки, мустақил Ўзбекистонда аёлнинг оиладаги ва жамиятдаги мавқеи яна ҳам юксалиб, уларга ҳар томонлама шароитлар яратилаётган, озод ва обод Ватаннинг келажаги учун мустаҳкам пойдевор қўйилаётган, аёлларга чексиз ишонч ва умид боғланаётган бугунги кунда аёл ўз меҳнати билан иштирок этмоғи қувонарлидир. Менимча, аёлни ҳеч қачон уйга боғлаб қўйиш шарт эмас. Улар ичида ҳар ишга моҳир истеъдодлилари, қобилиятлилари озмунча эмас, ахир. Узоққа бориб юрмай, бугунги кун хотин-қизларининг иш фаолиятига бир назар ташлайлик: бирор-бир соҳани уларсиз тасаввур этиб бўлармикан?

**— Шахсан ўзингиз тадбиркорлик ишларидан ортиб оилангиз даврасида бўлишга, уй-рўзғор юмушлари билан шуғулланишга вақт топа оласизми?**

— Аёл қандай мансабда ишлашидан қатъий назар, энг аввало, она ва рафиқа. Шунга қатъий амал қилганим учун, бўш вақтим деярли уйда ўтади. Бўш вақтим бор деяётганимдан ажабланманг. Ҳамма нарса тўғри тақсимотга ва вақтдан унумли фойдаланишга боғлиқ. Уйда эканлигимда доим келинимга ёрдамлашаман. Ҳамма ишни унга ортиб қўйиш инсофдан эмас. Ҳар куни бўлмасада, кечқурунга тансиқроқ таом тайёрлайман. Етмиш олти ёшли волидам, турмуш ўртоғим, ўғилларим, келиним ва қизим билан гурунглашаман. Ишимда бирор муаммо туғилса, улардан маслаҳат сўрайман. Бировдан олдин, бировдан кейинда яшаш шу бўлса керак-да.

**— Тадбиркор деганда кўпчилик бой одамни тасаввур қилади. Шу ҳақда нима дейсиз?**

— Тўғри. Ҳар бир тадбиркорнинг фирмаси, корхонаси бор. Бир нарсани унутмаслик керакки, даромад ишлаб чиқариш ва меҳнатга яраша бўлади. Демоқчиманки, тадбиркор ўз-ўзидан бойиб қолмайди. У ҳалол меҳнати ва пешона тери эвазига бойиди. Мен Ўзбекистонда ана шундайлар кўпайишини жуда-жуда орзулайман.

**«Халқ сўзи» мухбири Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА суҳбатлашди.**

маънавият

# МАРДЛИКНИ ШАРАФЛАГАН ХАЛҚНИНГ ДОСТОНИ

## «АЛПОМИШ»НИНГ МИНГ ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

### 1. Озодликка тикилган ҳаёт

Яқинда телевидение орқали озодлик учун кураш ҳақида фильм намойиш этилди. «Ватан фарзанди» деб аталган бу фильм куни кеча эсини таниган боланинг отаси, биродарлари ваҳшийларча ўлдирилиши билан бошланади. Ўликлар ғира-ширада дафн этилади. Ўзгалар қариндошлари қабрига гул қўйишади, фақат ғирт етим қолган ўша бола кўзида ёш билан унсиз тош қотади. Ногаҳон у тенги қизалоқ онасининг қўлидаги гуллардан бирини олиб келиб боланинг қўлига тутқазади...

Кейин шаҳарлик бобоси келиб уни ўзи билан олиб кетади ва у улғайгач, тағин қишлоққа қайтади. Қараса, ўша қизча ҳам гулдай очилиб бўй етган.

Шотландияда ўша маҳал мустабид мамлакат шафқатсиз тартиб жорий этган: никоҳдан ўтгач, биринчи кеча қиз ўзини жуфти ҳалолига эмас, балки босқинчи аскарга бағишлаши шарт эди.

Бир-бирини жонидан ортиқ кўрган ўша қиз билан ўша йигит эса бу жирканч тартибга итоат этишни исташмайди...

Аммо шу кунларда мустабид аскарлар қишлоқ оралаб қолади, қиз уларнинг кўзига оловдай бўлиб кўринади ва отаси тенги аскар унга ташланади, чунки тажовуз қилишга унинг ҳаққи бор, қиз қаршилик қилмаслиги шарт, бироқ бу залолатга у тоқат қила олмайди... Оқибат «қирол қўшинига беҳурматлик қилиш»да айбланади, бу ҳол қайта такрорланмасин учун ота-онаси, эл-юрт олдида у ваҳшийларча сўйиб ташланади. Бундан огоҳ бўлгач, аламига чидай олмаган йигит – Уильям Волос истибдод ва зулмга қарши бош кўтаради, унинг отаси ва онасининг умрига зомин бўлганлар ҳам шулар эди. Жабрдийда кишилар Волосни қўллаб-қувватлашади ва бу исён секин-аста мамлакат бўйлаб қонли курашга – миллий озодлик ҳаракатига айланади.

Бир гал улар ўзларидан бир неча баробар йирик, замонавий аслаҳа билан қуролланган мустабид армияга рўбарў келади, ўроқ ва чалғидан бўлак аслаҳаси бўлмаган кишилар ноумид, шу уруш кимга керак ўзи, деб тайсаллаб қолади. Шунда Уильям Волос уй-уйига тарқаб кетаётган юртдошларига қарата:

– Қишлоққа бориб, аввалгидай итоат билан яшашингиз мумкин! – дейди. – Лекин барибир бир кун келиб ҳаётдан кўз юмасиз, чунки ўлим муқаррардир. Аммо бугунги ўлим сизларга шон-шавкат олиб келади! Наҳот шунга яраша муносиб бир жасорат кўрсатиш учун сизда қудрат топилмайди?!

Халқ асов денгиздай чайқалиб, жунбушга келади. Наинки уларга беписанд қаровчи қирол қўшинлари, ҳатто мустабид мамлакат ва унинг тасарруфидаги миллат ва элатлардан келган мададкор аскарлар ҳам энди унинг ғалаёнига бас кела олмайди. Чунки улар ҳақ-ҳуқуқлари топталган, суяк-суягидан алам ўтган, жафокаш ва ситамдийда кишилар эди. Ҳеч бўлмаса, фарзандларимиз одамга ўхшаб яшасин, дейди ва бору йўғини озодлик учун курашга тикади...

Уильям Волосга адоқсиз давлат ваъда қилинганда ҳам халқига хиёнат қилмайди. Ҳолбуки, у қашшоқ, мулкка эҳтиёжманд эди...

Нима уни бунчалар собит тутиб туради?

Албатта, муқаддас туйғулар, олий туйғулар...

Дарё бўлиб оққан қонлар эвазига озодлик бўй кўрсатади, аммо тарихнинг шу бурилиш нуқтасида хиёнат содир бўлади. Бою боёнлар халқ қаҳрамонини алдов йўли билан қўлга туширишади, кейин ўтган асрга хос жаҳолатга тўлиқ жисмоний қийноқлар бошланади. Рост, қиролнинг муддаоси уни ўлдириш ёхуд жисман азоб бериш эмас, бу халқни баттар жунбушга келтиришини у яхши билади, шунинг учун ҳам Уильям Волосни, шунинг баробарида исёнкор халқни маънан синдириб ташлашни истайди. Шу боис Уильям Волос одамларга эшитиларли овозда мурувват тилашини истайди, холос.

Аммо энг азиз кишиси илтижо қилганида ҳам Волос бу шартга кўнмайди: – Агар ўзимга хиёнат қилсам, кейин яшашдан маъно қолмайди! – дейди.

Қийноқ ва азобларга у мардона чидайди. Қатл арафасида эса қирол саройию бутун шаҳарни ларзага солиб,

– Озодлик! – дея ҳайқиради. Ва бу – халқни озодликка олиб чиқувчи сўнгги ҳамла учун даъватга айланади...

Ҳаётда фавқулодда бурилишлар мана шундай содир бўлади, ўз вақтида жасорат билан айтилган ёлқинли Сўз, қаҳрамонона ҳаракат миллатни тарих саҳнасига бошлаб чиқади.

Дунёвий тараққиётга мислсиз таъсир кўрсатган Амир Темурнинг ақл бовар қилмас салоҳияти шундан далолат бермайдими, ахир!?

Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик-чи? Улар башарият тарихидаги тасодифий шахслар эмас эди, аксинча, ўз халқи, унинг озодлигини жонидан азиз кўришган, Ватан учун ҳаётини тикишган, шу йўлда баҳодирлик ва матонат кўрсатишни шараф деб билишган. Аслида бу хислат уларнинг қонида бўлган.

Буюк бешикларга энгашиб оналар айтган соҳир аллалару Тўмарис ва Широқ афсоналари, бахшилар авлоддан авлодга етказган ва тенгсиз бир меҳр билан тараннум этган Алпомиш, Гўрўғли, Авазхон матонатлари уларни шу руҳда тарбиялаб келган.

Биргина «Алпомиш» достонининг ўзи комил ишонч билан шундай дейишга тўла асос беради.

### 2. Муқаддас туйғулар, олий туйғулар...

Достон қаҳрамонлик, садоқат, миллий шаън ҳақида. Лекин унда ҳаёт бир бутунлик касб этган ва биз бугун миллий қадрият дея эъзозлаётган олижаноб хислатлар беадад улуғланган.

Акаси Бойбўрининг закот сўрагани малол келган Бойсари ўз қавми билан сурув-сурув уюрини олдига солиб Кашал элига бош олиб кетади. Қалмоқ алплари унинг қизи – Барчинойга оғиз солади, Бойсари қавми билан кенгашса, оқсоқоллар айтадики,
қизингни алпларга
бер, шунда бу эл ичра обрў топасан, йўқса, улар аччиқланиб сенинг икки кўзингни ўяди, ўлдиради, барибир зўрлик билан қизингни олади, биз ҳам мусофир юртда кўп ситам кўрамиз...

Мусофирлик ва чорасизликдан Бойсарининг юраги қон бўлади. Буни кўриб, Барчиной отасига дейди: «Хафа қилма, ота, мендай қизингди, Қўябер алпларга менинг ўзимди». Ва у тўқсон алпга кимлигини сездириб, олти ойга муҳлат сўрайди. Сабаби – вақтида Шоҳимардон пир Ҳакимбекка Барчинойни бешкирти қилган, шу боис у Қўнғирот элига чопар юбориб: «Мендан умиди бўлса, Алпомиш келсин, бўлмаса жавобимни берсин», дейди.

Энди гапни Алпомишдан эшитинг:

*«Ўзи ўлмай, киши ёрин берармиди?!»*

Алпомиш Бойчиборни миниб, қайдасан қалмоқ эли, деб йўлга тушади.

Шуни айтиш кераки, шу пайтга қадар от ҳақида битилган жаҳон адабиётидаги етук асарлар ҳақида гап кетса, аксарият ҳолларда Э. Сетон-Томсон, Лев Толстой ва Чингиз Айтматов яратган образлар ёдга олинади. Ҳолбуки, «Алпомиш»даги Бойчибор инсоннинг энг садоқатли дўсти бўлмиш отнинг ноёб ва мумтоз тимсолидир. У ҳаётий, бениҳоя жонли. Алпомишнинг қисматини нурлантиришда Барчиной, дўсти Қоражондан унинг мавқеи асло кам эмас.

Гарчи Барчиной Алпомишга бешкирти қилинган бўлса-да, алплар талашида қолган суюклисига эришиш учун энди умумий шартларни бажариши ва ғолиб чиқиши лозим эди. Шу шартлардан бири — пойга. Аммо пойгада алплар номардлик қилишади: қалмоқлар Бобохон тоғида чавандозни ва Бойчиборни боғлабчандиб ташлайди, «аҳмоқ қалмоқ отга зулм қилади, туёғига гулмихларни уради...» Аммо ҳаёт ўз билганидан қолмайди. Тақдир ҳасад-хусуматдан устун келади. Бойчибор шу ҳолида «ҳақнинг яшинидай» учиб, алал-оқибат қанча чавандозни чангда қолдиради.

Барчинойнинг Бойчиборни сийлаб айтган олқиши меҳрни товлантириб юборади:

*Қурру-ё, қур, ҳайт-а, тўрамнинг*
*оти,*
*Оқ тўшим — яйловинг, сочим —*
*шипиртки...*

Шунда қалмоқлар калта қантариб ташлагани учун қийналиб келаётган Бойчибор тизгинни узиб, пойганинг олдини олиб, бахмал ўтовга биринчи бўлиб етиб келади. «Барчин келиб, отни кўрди, – дейди бахши, – кўзларини ипак рўмоллар билан суртди, чанги, терини ушатди»...

*Барчинойим кўриб ўйлаб туради,*
*Урган михи ялпоқ тизга боради,*
*Чорсисин туёққа ёзиб солади,*
*Гул михларни суғуриб тишлаб олади...*

Отнинг инсонга садоқати ҳақида минглаб ҳикоятлар мавжуд, аммо ўзаро меҳру оқибатнинг бундай тенгсиз намунасига ҳаётда ҳам, бадииятда ҳам камдан-кам ҳолда дуч келиши мумкин.

Алпомишнинг бир қаноти Барчиной бўлса, бир қаноти Бойчибордир.

### 3. Сен ўзинг армоним, умидларим ҳам...

Достоннинг иккинчи қисмида ҳам шундай кўркам бир саҳна бор: Сурхайил Алпомишни зиндонга ташлагач, уни қутқариш учун Қоражон келади, аммо баҳодир орият қилиб, унинг кўмагидан юз ўгиради. Етти йил зиндонда ётган алп йигитнинг жонига яна Бойчибор ора киради: «Жонивор зўр бериб шу замон тортди, Бойчиборга пирлар берди қувватди, Ҳакимбек у замон зиндондан чиқди. Дунёни кўргандай бўлиб қолади, Ҳакимбек отини тавоф қилади». Шунинг учунми, «От чопса гумбурлар тоғнинг дараси» деган мақтов достонга ажиб бир миллий шукуҳ бағишлайди ва унда Бойчибор алоҳида сифатлар ва алоҳида муҳаббат билан улуғланади:

*Остингда юз алвон ўйнайди*
*отинг...*

Ёхуд:

*Ўн икки ой сен отингни боқтирсанг,*
*Йўл-йўлакай йўлга гулмих*
*тўкдирсанг,*
*Авайлаб ўзади ўзбакнинг оти...*

Барчиной қўйган уч шарт – пойга, минг қадамдан ёйда ва милтиқда тангани уриш баҳсида ҳеч бир алп Алпомишга бас кела олмайди. Шунда ғанимларнинг ўзи: «Бул ҳам бир алп экан, жуда зўрабор, Қалмоқ юртида йўқдир бунга баробар», дея унга тан беради. Гарчи шундай бўлса-да, ўн минг уйли Қўнғирот аҳли ва қалмоқлар «Кураш жуда қизиқ бўлади, курашда қайсиси зўрлик қилса, ўзбакнинг қизини олади», деб Чилбир чўлига, Ойна кўлига жам бўлади. Ниҳоят, ҳал қилувчи сония етиб келади – Алпомиш Кўкалдош билан майдонга тушади.

*Ҳарчандки чирпинди Бойсиннинг*
*хони,*
*Йиқмоққа келмади бекнинг*
*дармони...*

Кураш чўзилганини кўриб, орияти келган Барчиной аччиқ бир маломат қилади:

*Йиқолмасанг, тўрам, навбат*
*тилайин,*
*Эркак либосини ўзим кияйин,*
*Бор кучимни билагима жияйин,*
*Бу қалмоқни пора-пора қилайин...*

Бу таъна оғир ботган Алпомиш «чирпиб Кўкалдошни кўкка отади».

Бунга шоҳид бўлган қалмоқлар шундай дейди:

«Ўлармоннинг иши шундай бўлади. Тан бермаган одам шуйтиб ўлади».

Бу эътирофга изоҳ ортиқча.

### 4. Элим деб ёнгайдир соҳиб журъатлар...

«Алпомиш»да инсон табиатига хос бўлган жамики кечинмаларнинг нозик жилвасини кўриш мумкин. Муқаддас туйғулар, олий туйғулар унда эъзозланади. Мутелик, бировга қарамликнинг аччиқ ситамлари унда дардчил бир марсиядай куйлаб ўтилади, сўнг туман тарқаб, маҳобатли тоғлар намоён бўлгани каби инсонга қудрат бағишловчи Ватан, унинг қадр-қиммати, она юртга муҳаббат туйғуси силқиб юзага чиқади. Бу олижаноб туйғуларга ҳар бир кўнгилда эҳтиёж мавжуд, шундай экан, «Алпомиш» воситасида ўлмас шарқона ақидалар балқиб дунёга таралади.

Алпомишнинг зиндонда ўтган етти йили, шу даврда ҳокимият тепасига келган калтабин Ултонтознинг Барчиной ва унинг ўғли Ёдгор, Алпомишнинг ота-онаси, синглиси бошига солган кулфатлар, улуснинг изтироблари мунгли бир қўшиқдай юракларни титратиб туради. «Илоҳим қурисин йўлнинг қияси, бузилмасин элда марднинг уяси», дейди бахши. Ва, ниҳоят, зулмат қаърини тилиб юборган чақмоқ каби Алпомиш ҳаёт саҳнасига чиқиб келади.

*Азамат, мард эдим, этмагин ночор,*
*Дўстга зор айлама, душманларга*
*хор,*

– дейди у ва унинг Тойчи ва Ултонтозга қарши жангу жадали ёруғлик ва адолат учун кураш тимсолига айланади.

Ултонтознинг Барчинойни хотинликка олиш ҳаракати, Алпомишнинг синглисига пода боқтириб, Ёдгорни оёқости қилиши, улусга ситам ўтказиши шотландлар бошига мустабидлар ёғдирган зулмни ёдга солади. Шунда Алпомиш ва ҳатто Уильям Волос сиймоси ҳам Ватан ва миллат ҳимоячилари деган тушунчага сиғмай қолади, улар ҳурлик, эзгулик ва инсоният саодати ҳимоячиларидек кўламли таассурот уйғотади.

### 5. Танглайинг кўтарсин Алпомиш бобо!..

Яқинда **«Алпомиш» достонининг минг йиллигини нишонлаш ҳақида республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори** эълон қилинди. Шу муносабат билан ёзган мақоласини таниқли адибимиз «Марҳабо, Алпомиш!» деб номлади. Бу бежиз эмас, албатта. Бугун биз маънавий иқлимга назар солсак, энг тўрда соҳибқирон Амир Темур, бир ёнда Яссавий, Нақшбанд, ал-Бухорий...

Бир ёнда ал-Фарғоний, аз-Замахшарий, Машраб...

Беҳбудий, Қодирий, Чўлпон ва Фитрат...

Шу мўътабар даврага бор бўй-басти, бутун салоҳияти, ўзига муносиб виқор ва тантана билан энди Алпомиш кириб келаётир...

**Унинг тўйи ЮНЕСКО иштирокида кенг миқёсда нишонланади.**

**«Алпомиш» достони ва жаҳон халқлари эпик ижодиёти» мавзуида халқаро илмий анжуман ўтказилади.**

**«Алпомиш» асосида спектакллар, болаларбоп, шунингдек, кўп серияли бадиий фильм яратилади.**

**«Алпомиш» боғлари барпо этилади. Алпомиш миллий спорт ўйинлари фестивали ўтказиш анъанавий тус олади.**

**«Алпомиш»нинг мукаммал ҳамда академик нашрлари амалга оширилади, уни хорижий тилларда чоп этиш йўлга қўйилади.**

**Юз жилдлик «Ўзбек фольклор ёдгорликлари» тўпламини нашр этишга киришилади...**

«Алпомиш»нинг тўйи билан боғлиқ тадбирлар белгилаб берилган бу қарор наинки миллий қаҳрамонлик достонлари гултожига, балки аждодларнинг ижодий салоҳиятига, халқнинг яратувчилик даҳосига чексиз эҳтиром уйғотувчи тагзаминдир. Бу – «Алпомиш»нинг маънавий иқлимдаги тарихий мавқеинигина белгилаб қолмай, унинг «Рамаяна», «Одессия», «Илиада», «Манас», «Игор жангномаси» каби мумтоз обидалар қаторидан ўзининг муносиб ўрнини эгаллашга хизмат қилади...

«Алпомиш»нинг истиқлол арафасидаги нашрларида ҳам беадад чалкашликлар мавжуд, бунга сабаб – асар ихчамланган, тузумга номувофиқ жойлари қисқартирилган, бу яқин ўтмишда миллий қаҳрамонлик достонларига бўлган муносабатдир. Институтда ўқиб юрган кезларимиз бир профессор «Алпомиш» бою боёнлар ҳаётини улуғлаган асар», деган эди. Бу шуни англатадики, ўша тузум Алпомишдан, унинг Ватанга муҳаббати ва адолатга ташна қудратли руҳидан, бунинг ёшларга таъсир ўтказишидан ҳамиша чўчиган...

Бугун эса Бойчиборнинг туёқлари остида тоғларнинг дараси гумбурласа, арзийди.

Алпомишу Ойбарчин невараю чевараларини атрофига йиғиб, киндик қони томган юртга муҳаббат ҳақида, садоқатнинг буюклиги ва меҳр-оқибат, ёвқирлик ҳақида бахшиёна ҳикматлар айтса, арзийди.

**Очилар баҳорда боғларнинг гули,**
**Гулни кўрса маст бўп сайрар**
**булбули,**

– деган Фозил Йўлдош ўғли умр бўйи шу кунларга интиқиб, Алпомишу Ойбарчинлар достонини армон билан куйлаб ўтди. Бугун эл-юрт дуосига сазовор бўлиб, унинг руҳи шодланса, арзийди.

**Ғаффор ҲОТАМОВ.**

---

Қонунни билган ҳуқуқини билади

*Шартнома нима? Шу ҳақда тушунчага эга бўлишни хоҳлайман.*

**Н. СУЛТОНОВ,**
**Самарқанд шаҳри.**

САВОЛ

ЖАВОБ

*Икки ёки бир неча шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишуви шартнома дейилади.*

*Шартномалар бир тарафлама, икки тарафлама ёки кўп тарафлама бўлиши мумкин.*

*Шартнома тузиш учун қонун ҳужжатларига ёки тарафларнинг келишувига мувофиқ бир тарафнинг хоҳиши зарур ва етарли бўлса бундай битим (шартнома) бир тарафлама битим ҳисобланади.*

*Икки тарафлама ёки кўп тарафлама шартномалар тузиш учун икки тараф ёки уч ёхуд ундан кўп тараф келишиб хоҳиш билдирган бўлиши шарт.*

*Шартнома тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.*

*Тарафлардан бирининг талаби билан эса шартнома фақат суд томонидан қонунда белгиланган асосларга кўра ўзгартирилади ёки бекор қилинади.*

***Ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаган болалар учун жавобгарлик борми?***

**Р. АВАЗОВА,**
**Лоиш қўрғони.**

САВОЛ

ЖАВОБ

*Болалар ўз ота-оналарига ғамхўрлик қилишлари ва уларга ёрдам бериб туришлари шарт.*

*Меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож бўлган ота-оналарини таъминлаб туриш балоғатга етган фарзандларининг бурчидир.*

*Ота-оналарнинг давлат ёки жамоат муассасалари қарамоғида бўлиши ҳам балоғатга етган болаларни меҳнатга қобилиятсиз ўз ота-оналарини таъминлаб туриш мажбуриятидан озод қилмайди.*

*Меҳнатга лаёқатсиз ота-оналар деб, 55 ёшга етган аёллар, 60 ёшга етган эркаклар, шунингдек, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари тушунилади.*

*Меҳнатга лаёқатсиз ота-оналар фарзандлари уларга ихтиёрий равишда ёрдам бермаган ҳолда судга мурожаат қилиб тегишли ҳақларини суд орқали ундириб олишлари мумкин.*

*Суд қарорига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб уч ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаган шахслар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 123-моддасига асосан жавобгарликка тортилиши ва уларга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараварига миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ жазоси қўлланиши мумкин.*

**Саволларга етакчи ҳуқуқшунос Р. СУЛТОНОВА жавоб берди.**

---

спорт оламида

## МҲСК МАҒЛУБИЯТИ

Футбол бўйича мамлакат чемпионати олий лига командалари иккинчи тур учрашувларини ўтказдилар. Ўтган йилги чемпион – МҲСК ўз майдонида Навоийнинг «Зарафшон» командасига 2:0 ҳисобида ютқазиб қўйди. Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд қилинди: «Нефтчи»– «Сўғдиёна» – 2:0, «Андижон»– «Бухоро»–2:0, «Насаф»– «Металлург»–2:0, «Дўстлик»– «Хоразм»–0:0, «Навбаҳор»– «Косонсой»–3:0, «Трактор»– «Сурхон»–2:1, «Пахтакор»– «Темирйўлчи»–4:2.

## «НАВРЎЗ» МУСОБАҚАСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Пойтахтдаги «Юнусобод» теннис мажмуида «Наврўз» ўсмирлар мусобақаси давом этмоқда. Унда асосан 12 ёшдан 18 ёшгача бўлган теннисчилар баҳс олиб бормоқдалар. Дастлаб икки юздан ортиқ ҳаваскорлар саралаш босқичида ўзаро куч синашдилар. Шулардан 96 нафари ҳал қилувчи босқичга йўлланма олди.

**Нормурод МУСОМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**




ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:
*Парламент 133-57-34;*
*Ҳуқуқ ва қонунчилик 136-07-94;*
*Иқтисодиёт 136-36-65;*
*Қишлоқ хўжалиги 136-37-85*
*Маънавият 136-35-60, 132-10-65;*
*Хатлар 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, туризм, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик 132-12-08;*
*Халқаро ҳаёт 132-11-15;*
*Котибият 133-10-28;*
*Эълонлар 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 01062, 42797 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
**Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Сергей ЛУКИН томонидан саҳифаланди.**

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**700000, ГСП,**
**Тошкент шаҳри,**
**Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**

Навбатчи муҳаррир — Қ. Эшматов.
Навбатчи — О. Раҳимов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 *Босишга топширилди: 21.30* 1 2 3 4 5 6